



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 1053-сонли қарори
хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида
бошқарувнинг алоҳида тартибни жорий этиш бўйича хужужий эксперимент
тўғрисида» 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон Фармонига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 декабрдаги
«Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида»ги 1053-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида
бошқарувнинг алоҳида тартибни жорий этиш бўйича хужужий эксперимент
тўғрисида» 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон Фармонида мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 декабрдаги
«Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида»ги 1053-сон қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги
қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим
қарорларига ўзгартиришлар киритилганлиги;
б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар
ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳужужий
хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш
топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг иловага
мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Нүкус шаҳар ва туманлар
хокимликлари ўзлари қабул қилган хужужатларини бир ой муддатда
ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ж.Ембергенов
зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев



Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2019 йил 20-01-даги
7-сон қарорига
ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорларига киритилган ўзгартiriшлар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1993 йил 27 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 144-сонли қарори ҳақида»ги 109/5-сон қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги «Тақдирдорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 483-сонли қарори ҳақида»ги 247/11-сон қарорининг рус тилидаги матнида 5-банди куйидаги тахрирда баён қилинсин:
«Хокимиятам городов и районов осуществлять совместно с органами самоуправления граждан проведение разъяснительной работы о правах и обязанностях предпринимателей».
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 декабрдаги «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 548-сонли қарори ҳақида»ги 281/12-сон қарорининг қорақалпоқ тилидаги матнида 4-бандидаги «районлик ҳам қадалық ҳокимиятлар менен бирликте» сўзлари чиқариб ташлансин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2003 йил 11 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 421-сонли қарори ҳақида»ги 205/4-сон қарори 7-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.